




## Истеъмом кайфияти индекси

2023 йилнинг III чорагида **истеъмом кайфияти индекси<sup>1</sup> (ИКИ)** 2022 йилнинг мос даврига нисбатан ўзгаришсиз шаклланиб **24,3 бандни** ташкил этди.

1-расм. Истеъмом кайфияти индекси



Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

Умумий натижаларга асосан, жорий йил III чорақда даромад олиш ва жамғариб бориш бўйича кутилмалар ҳамда харажатга мойиллик ўтган йилнинг мос даврига нисбатан бироз яхшиланди.

Аҳоли реал даромадларининг ошиши, иқтисодиётдаги истеъмом талаби юқорилиги ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасида даромадлар мавсумий ортиши истеъмом кайфиятини ижобий сақланиб қолишига хизмат қилди.


Респондентлар жавобларида кредит олишга бўлган эҳтиёжнинг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан пасайиши кузатилди.

<sup>1</sup> Индекс кўрсаткичи -100 дан +100 оралиғида бўлиб, кўрсаткич +100 га яқинлашгани сари истеъмом кайфиятидаги ижобийликни ифодалайди.

## Харажат субиндекси

**Келгусида харажатлари ошиб боришини кутаётганлар улуши бироз ортиб бормоқда.** Жорий йил III чорақда харажат субиндекси 2022 йилнинг III чорагига нисбатан 0,7 бандга ошди ва **13,8 бандга** тенг бўлди.

2-расм. Келгуси харажатларнинг ўзгариши бўйича кутилмалар



*Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.*

Жумладан, харажатлари кўпайишини кутаётганлар улуши ўтган йилнинг мос чорагига нисбатан **2 ф.б.га** ошган бўлса, харажатлари қисқаришини кутаётганлар эса **1 ф.б.га** камайди.

Сўров қатнашчилари III чорақда асосан, **таълим, даволаниш хизматларига** ҳамда **автомобиль, маиший техника** ва **оилавий байрам тадбирларига** харажат қилганларини таъкидлашган бўлса, келгуси ойларда аксарият респондентлар **таълим** ва **даволаниш хизматлари**, шунингдек, **автомобиль** хариди ҳамда **тўй маросимларига** маблағларини сарфлашни режалаштирганлар.

Таҳлилларга кўра, сўнгги йилларда **маиший техника** сотиб олиш ва **саёҳат** қилишга маблағларини сарфлаётганлар улуши ошиб бормоқда. Бу тенденция келгусида ушбу товар ва хизматларга бўлган талабни ошириши ва нархларга талабни сақлаб қолиш бўйича хулосаларни шакллантиради (3-расм).

Шу ўринда, тўй маросимларга талабнинг ўсиши мавсумийлик, таълим соҳасига харажатларнинг юқорилиги эса аҳолининг таълим олишга кўпроқ маблағ сарфлаётгани билан изоҳланади.

**3-расм. Йирик харидлар/харажатлар ўзгариши**




Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

**Кредит субиндекси**

**Истеъмол кредитига бўлган ялли талаб биров пасаймоқда.**

Жорий чорақда респондентлар фикрига кўра, кредитга бўлган талаб ўтган йил даражасидан биров (0,6 ф.б.) камайди ва кредит субиндекси **7,2 бандга** тенг (жорий йилнинг II чорагига нисбатан 1,5 ф.б.га кам) бўлди (4-расм).

**4-расм. Келгусидаги кредитга бўлган талаб ўзгариши бўйича кутилмалар**



Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

Хусусан, III чорақда келгуси ойларда кредит олишга эҳтиёжлари борлигини билдирганлар (61 фоиз) улуши 2022 йилнинг тегишли даврига солиштирганда нисбатан ўзгаришсиз сақланиб қолди.

Шунга қарамай, уй хўжаликларининг харажат қилишга мойиллиги ортиб бораётгани келгусида ҳам кредитга бўлган талабнинг барқарор даражада шаклланишига хизмат қилиши мумкин (5-расм).

#### 5-расм. Келгусида кредитга ва харидларга бўлган талабнинг шаклланиши


		2023 й II чорақ			2023 й III чорақ			
		кўпаяди	ўзгаришсиз қолади	камаяди	кўпаяди	ўзгаришсиз қолади	камаяди	
Келгусида янги кредитга бўлган талаб ўзгариши	ошади	29	3	2	ошади	28	3	2
	бироз ошади	27	3	2	бироз ошади	23	4	2
	ўзгаришсиз қолади	17	6	2	ўзгаришсиз қолади	19	7	2
	бироз камаяди	3	1	1	бироз камаяди	4	1	0
	камаяди	4	0	1	камаяди	4	1	1

Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

#### Даромад субиндекси

**Респондентларнинг келгусида даромадлари ошиши бўйича кутилмалари барқарорлашмоқда.** Ушбу даврда даромад субиндекси ўтган йилнинг III чорагига нисбатан **0,1 бандга** кўтарилиб, **10,1 бандни** ташкил этди. Ушбу кўрсаткич ўтган чорақда **11,5 бандга** тенг бўлган.

#### 6-расм. Даромадлари ўсиши бўйича кутилмалар (даромадлар кесимида)



Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

Келгусида даромадлари кўпайишини кутаётганлар улуши ўтган йилнинг мос даври даражасида шаклланиб, **65 фоизга** тенг бўлди.

Даромади ошишини кутаётган респондентларнинг кўпчилиги **5-7 млн сўм, 7-10 млн сўмгача** ва **10 млн сўмдан юқори** даромадга эга гуруҳларга тўғри келди. Даромади нисбатан пастроқ (**2 млн сўмгача** ва **2-3 млн сўм**) бўлган аҳоли вакилларининг келгусида даромади ортиши бўйича кутилмалари қолган даромад гуруҳларига нисбатан ижобий шаклланди (**6-расм**).

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан солиштирганда сўров иштирокчиларидан **ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, кафе-ресторан, ташиш хизмати, туризм** ва **оммавий ахборот воситалари** ҳамда **таълим** йўналишларида фаолият юритувчиларнинг даромадлари бўйича ижобий кутилмалари нисбатан юқорироқ бўлди. Аксинча, **савдо, банк ва молия, коммунал хизмат, тиббиёт** ва **маиший хизмат** соҳасидагиларнинг келгусидаги даромадлари бўйича кутилмалари нисбатан пастроқ шаклланмоқда (**7-расм**).

**7-расм. Сўров иштирокчиларининг жавоблари бўйича тақсимоти (соҳалар кесимида)**

Соҳалар	2022 й III-чорак			2023 й III-чорак		
	кўпаяди	ўзгаришсиз қолади	камаяди	кўпаяди	ўзгаришсиз қолади	камаяди
ишлаб чиқариш	51	36	13	68	26	6
қурилиш	69	17	14	69	15	16
қишлоқ хўжалиги	64	25	11	67	19	14
маиший хизмат	71	13	16	70	17	13
кафе-ресторан	48	45	6	82	10	8
ташиш хизмати	60	36	4	65	25	10
фан-таълим	66	21	13	67	23	10
тиббиёт	64	24	12	61	23	16
коммунал хизмат	72	16	13	63	23	14
туризм	69	24	7	71	22	6
банк ва молия	67	24	9	64	26	9
давлат бошқаруви	62	30	8	62	27	10
АТ ва ОАВ	57	26	16	65	21	14
савдо	64	14	22	59	27	14
бошқа	61	25	15	60	29	12


Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

 —  Ранглар ўзгариши устун бўйича энг юқори ва қуйи кўрсаткични билдиради


## Жамғариш субиндекси

**Келгуси чорак бўйича респондентларнинг жамғариш кайфияти ўтган чоракка нисбатан пасаймоқда. 2023 йилнинг III чорагида жамғариш субиндекси аввалги йилнинг III чорагига нисбатан 0,3 бандга камайди ва 6,8 бандга тенг бўлди.**

8-расм. Респондентларнинг жамғармалари ўзгариши бўйича кутилмалари



9-расм. Жамғарманинг етарлилик даражаси



*Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.*



Келгусида жамғармалари кўпайиши бўйича ижобий кутилмаларга эга респондентларнинг улуши аввалги йилнинг мос даврига солиштирганда бироз (0,9 ф.б.) ортиб, **58 фоизни** ташкил этди (*жорий йилнинг II чорагида 65 фоизга тенг бўлган*).

Қишлоқ хўжалигида даромадларнинг ошиши, аҳоли депозит фоиз ставкаларининг жамғариш учун жозибадорлиги аҳоли жамғариш кайфияти ижобий шаклланишида муҳим аҳмият касб этмоқда.

Хусусан, инфляциян кутилмаларга нисбатан реал ҳисобда **5-6 фоизлик** депозитлар ставкалари шаклланиши жамғариш фаоллигининг сақланиб қолишига хизмат қилди.

Шунингдек, жамғармалари камайиб боришини кутаётганлар улуши аввалги йилнинг III чораги билан солиштирганда **1,4 ф.б.га** ортиб, **17 фоизни** ташкил этди.

Сўровда қатнашган респондентларнинг жамғармалари етарлилик даражасида 2022 йил мос даврига солиштирганда ўсувчи тенденциялар шаклланимоқда. Жумладан, жамғармалари **1 ойгача**, **1-3 ой**, **3-6 ой** ҳамда **6 ой ва ундан узоқроққа** етишини таъкидлаганлар улуши бироз кўпроқни ташкил этган бўлса, жамғармалари мавжуд эмаслар синфи ўтган йилнинг мос даври ва жорий йилнинг II чорагига нисбатан камайган (*9-расм*).

**10-расм. Респондентларнинг аввалги ойлардаги молиявий ҳолатлари ўзгариши****11-расм. Келгуси ойларда оилавий даромадлари ўзгариши бўйича кутилмалар**

*Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.*

Сўров қатнашувчиларининг аксарияти III чорақда молиявий ҳолатлари бироз яхшиланишини ёки ўзгармаганини билдиришди.

Ўз навбатида, келгусида оилавий даромадларининг бироз яхшиланишини кутаётганлар улуши ўтган йил даражасида шаклланди.

© Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2023 йил

---

*Пул-кредит сиёсати департаменти томонидан тайёрланди.*

*Ўз таклиф ва эътирозларингизни қуйидаги манзилга жўнатишингиз мумкин:*

*E-mail: [achilov@cbu.uz](mailto:achilov@cbu.uz)*

*Тел.: (+998) 71 212-60-22*